



VICTIMOLOGICAL AND SPECIAL PREVENTION MEASURES FOR THE EARLY PREVENTION OF CRIMES ON THE INTERNET NETWORK

Sherzod Sarimsoqovich Qosimov

*Research Institute of Criminology of the
Republic of Uzbekistan, applicant, lieutenant colonel
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: cybersecurity, cybercrime, offense, internet crimes, information technology, prevention of offenses, victimology, special prevention, victimological prevention, criminal record, victim, personal data, internet safety, Telegram crimes, crime prevention, public safety, information security, fraud, digital threats, legislation.

Received: 07.09.25

Accepted: 08.09.25

Published: 09.09.25

Abstract: This article examines specific aspects of the effective application of special and victimological prevention measures in the timely prevention of crimes committed through internet networks in the Republic of Uzbekistan. It analyzes the types of legal prevention of offenses provided for in national legislation, particularly focusing on special and victimological preventive measures. The article also offers concrete proposals for implementing preventive strategies aimed at combating cybercrimes more effectively.

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШДА ВИКТИМОЛОГИК ВА МАХСУС ПРОФИЛЬАКТИКА ТАДБИРЛАРИ

Шерзод Саримсоқович Қосимов

*Ўзбекистон Республикаси Криминология
тадқиқот институти мустақил изланувчиси, подполковник
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Киберхавфсизлик, кибержиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, интернет жиноятлари, ахборот технологиялари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, виктимология, махсус профилактика, виктимологик профилактика, судланиш, жабрланувчи, шахсий маълумотлар, интернет хавфсизлиги, Телеграм жиноятлари,

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда интернет тармоқлари орқали содир этилаётган жиноятларни барвақт олдини олиш масаласида ҳуқуқбузарликлар махсус ва виктимологик профилактикаси тадбирларидан самарали фойдаланишнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қонунчиликда

жиноятнинг олдини олиш, жамият хавфсизлиги, ахборот хавфсизлиги, фирибгарлик, рақамли таҳдидлар, қонунчилик.

белгиланган турлари, хусусан махсус ва виктимологик профилактика чора-тадбирлари таҳлил қилиниб интернет тармоқлари орқали содир этилаётган жиноятларни барвақт олдини олишдаги профилактик тадбирларни жорий этиш бўйича таклифлар келтирилади.

ВИКТИМОЛОГИЧЕСКИЕ И СПЕЦИАЛЬНЫЕ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИЕ МЕРОПРИЯТИЯ ПО РАННЕМУ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЮ ПРЕСТУПНОСТЕЙ В СЕТЯХ ИНТЕРНЕТА

Шерзод Саримсоқович Қосимов

Исследовательский институт криминологии

Республики Узбекистан, соискатель, подполковник

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: кибербезопасность, киберпреступность, правонарушение, преступления в интернете, информационные технологии, профилактика правонарушений, виктимология, специальная профилактика, виктимологическая профилактика, судимость, потерпевший, персональные данные, безопасность в интернете, преступления в Telegram, предупреждение преступлений, общественная безопасность, информационная безопасность, мошенничество, цифровые угрозы, законодательство.

Аннотация: В данной статье рассматриваются отдельные аспекты эффективного использования мер специальной и виктимологической профилактики правонарушений в контексте своевременного предупреждения преступлений, совершаемых посредством интернет-сетей в Республике Узбекистан. Анализируются виды профилактики правонарушений, закреплённые в законодательстве, в частности меры специальной и виктимологической профилактики. Также предлагаются конкретные меры по внедрению профилактических мероприятий, направленных на предотвращение преступлений в цифровой среде.

Сўнгги йилларда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши инсон ҳаётининг барча соҳаларига, жумладан, иқтисодиёт, таълим, ижтимоий муносабатлар ва давлат бошқарувида чуқур кириб бориб, ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Жумладан ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 31 млндан ошди. Улардан 29,5 млн нафари мобил интернет орқали тармоққа уланади. Бундан ташқари халқаро интернет-каналга уланиш тезлиги сўнгги икки йилда 2,6 бараварга ошиб, 3200 Гбит/с га етди.

Бироқ, бу жараён билан бирга фуқаролар кибержиноятчиликнинг янги ва мураккаб кўринишларига юзма-юз келиб бу жараёнлар жамият ва шахслар учун жиддий хавф туғдирмоқда. Интернет ва рақамли платформалар орқали содир этилаётган жиноятлар

жумладан, шахсий маълумотларни ўғирлаш, молиявий фирибгарликлар, киберўғрилик, зарарли дастурлар тарқатиш ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар нафақат индивидуал фуқаролар, балки йирик ташкилотлар, банк тизимлари ва ҳатто давлат муассасалари хавфсизлигига ҳам таҳдид солмоқда.

Шу ўринда рус криминолог олими Ю.М. Антонян «жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди, у фақат жамият билан бирга барҳам топиши мумкун», ўзбек олимлари Х.Т.Одилқориев ва И.Т.Тулъеевнинг “жиноятчиликка қарши курашни амалга оширишда уни таг-томири билан бутунлай тугатиш мақсади ҳаққоний эмас, жиноятчиликнинг ҳолати ва унга қарши кураш шарт-шароитларидан кўриниб турибдики, у баъзан самарали, баъзан эса самарасиздир. Чамаси жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиш ниҳоятда мураккаб ва тўла амалга ошмайдиган орзу бўлса керак” деган қарашлари тўла асослидир.

Бинобарин, бугунги кунда янги турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳисобланадиган “Интернет тармоқларидан фойдаланиб” содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Дунёда кибержиноятчиликнинг тобора хавфли тусиб олиб, кунига

200 мингдан ортиқ содир этилаётганлиги, мазкур жиноятлар оқибатида жисмоний ва юридик шахсларга 500 млрд га яқин мулкый зарар етказилаётганлиги, Juniper Research томонидан ўтказилган тадқиқотларда, интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар ҳар ойда 10-15% га ортиб бораётганлиги, халқаро миқёсда ушбу жиноятларга қарши курашишнинг долзарблигидан далолат беради. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг шахс ва жамият учун кўп миқдорда моддий зарар етказиши билан бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан фарқланади.

Шу боисдан, келгусида бу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда бу жараёнда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар киберхавфсизликни таъминлашда самарали восита сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги Қонуни билан ҳуқуқбузарликлар про-фи-лактикасининг қуйидаги турлари белгилаб берилган:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси;

–хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

Буларнинг орасида махсус профилактика жиноятларнинг содир бўлишига олиб келувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган бўлса, виктимологик профилактика эса жиноят қурбонларининг огоҳлигини ошириш, уларнинг хавфсизлик даражасини кўтариш ва киберхавфлардан ҳимояланиш кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратади.

Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳақида сўз юритсак хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги хуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолиятини ўз ичига олади.(24-модда).

Хуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ўзига хос хусусияти унинг қачон ва қайси вазиятда, қайси жиноятлар ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ўтказилиши билан ажралиб турганлиги сабабли жуда муҳим тадбир ҳисобланади.

Шунингдек, хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси алоҳида кўрсатма, топшириқ, буйруқ ва режалар асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади. Бундан ташқари ушбу профилактиканинг чора-тадбирлари аниқ бир хуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилади.

Бу борада ички ишлар органлари тизимида муайян тартиб шакллантириб улгурган. Бунга «Антитеррор», «Арсенал», «Автопатруль», «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги», «Назорат», «Орият», «Ойна», «Паспорт-виза», «Спитамен», «Тозалаш», «Қорадори», «Қидирув», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» каби махсус ҳамда тезкор профилактик тадбирларнинг ички ишлар органлари тизимида ички буйруқлар асосида ташкил этилиши ва амалга оширилиб келинаётганлигини мисол сифатида келтириш мумкин.

Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

- айрим турдаги хуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;
- жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

Аммо, қонунда фақатгина қуйидаги учта тоифадаги шахслар ўртасида амалга ошириладиган махсус профилактик тадбирлар кўрсатилган, хусусан:

- илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;

– алкоголь ёки гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Бугунги кунда долзарб масалалар сифатида эътироф этилаётган интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан махсус профилактик тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда уни номини белгилаш мазкур муаммони ечимини топиш заруратини келтириб чиқаради.

Шу боисдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган “Хавфсиз Интернет ва ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” борасидаги махсус тадбирлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши тез-тез кузатиладиган ҳудудларда махсус профилактик тадбирларни ташкил этиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- Республикаси, вилоят шаҳар-туманларда интернет тармоқлари орқали содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш;

- интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилаётган ҳуқуқбузарликнинг махсус профилактикаси бўйича махсус режасини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини таҳлил қилиш;

- интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини номлаш ва қонун нормасида белгилаш;

- интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш жараёнига жалб этиладиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати ҳамда уларнинг ваколатларини белгилаш.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси жиноятчилик таҳлили асосида кўпинча криминал-но-ген ва оператив вазият оғир бўлган ҳудудларда ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил шахсларга йўналтирилиши, шунингдек алоҳида кўрсатма ва топшириқлар асосида амалга оширилиши билан ўзига хос хусусиятга эгадир.

Фикримизни мантикий давоми сифатида шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, ҳозирги кунда ахборот – коммуникация технологиялари соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаб бераётган олий ва ўрта-махсус таълим ўқув юртлари талабалари ва уларнинг

битирувчилари томонидан мазкур турдаги жиноятлар содир этилмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Мазкур ўқув юртларида барча ҳукукий фанлар бир семестр юристпруденция курси билан чекланган бўлиб умумий масалалар кўриб чиқилади. Бунда юристпруденция йўналиши бўйича ўқув жараёнида нафақат умумий масалалар балки талабалар онгида интернет тармоқлари орқали жиноят содир этилиши қонунчилик билан тақиқланганлиги ва тегишли жавобгарликни келтириб чиқариши юзасидан илмий асосланган ягона мафкуравий йўналиш ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Мисол учун, 2022 йил 11 май куни Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Ж.Ў. Жиззах вилояти ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, ўз мурожаатида, 2022 йил 21 апрель куни номаълум шахс, унинг номидан телеграм ижтимоий тармоғида “Jaloliddin O’ktamov” номи аккоунти очиб олиб, Жиззах вилоятидаги спорт мактабларининг директорларини банк пластик картасидан ҳар хил фирибгарлик кўринишидаги вазлар билан пуллар ечиб келаётганлигини маълум қилиб, ушбу номаълум шахсга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраган.

Ушбу мурожаат юзасидан олиб борилган терговга қадар текширув ҳамда тезкор техник қидирув тадбирлари давомида, 2016-2020 йилларда Тошкент Ахборот технологиялари университетини тамомлаб, давлат ташкилотида ишлаб келаётган фуқаро Б.Ж томонидан ўзининг “Samsung Galaxy A 31” телефон қурилмаси орқали телеграм ижтимоий тармоғида “Jaloliddin O’ktamov” номи аккоунтни очиб олиб, ушбу ниқоб остидаги телеграм аккоунти орқали вилоят ҳудудида жойлашган “Болалар ва ўсмирлар спорт мактаб”лари директорларидан ҳар хил турдаги фирибгарлик вазлари билан ноқонуний равишда моддий манфаат кўриб келаётганлиги ҳолати аниқланиб унга нисбатан жазони муқарарлиги тaminланган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилona сиёсат ҳамда IT-компаниялар ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича релокация дастури ишга туширилиши натижасида кўплаб хорижлик IT-мутахассислари жалб қилинишига муваффақ бўлинди.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёев ҳузурида жорий йилнинг 14 апрель куни Ахборот технологиялари вазирлигининг фаолияти ва 2022 йилдаги режалари муҳокамасига бағишланган ўтказилган йиғилишда «Тараққиёт стратегияси» да рақамли иқтисодиётни драйвер соҳага айлантириб, IT хизматларини 2,5 баробар ошириш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш кераклиги таъкидлаб ўтилган. Шундай экан хорижий мутахассисларни ўртасида ҳам профилактик-огоҳлантирув ишларини олиб бориш лозим деб ўйлайман.

Интернет тармоқлари орқали содир этилаётган жиноятлардаги ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ўрни ҳақида фикр юритишдан

олдин «виктимология» сўзининг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Чунки, виктимология ва у билан боғлиқ айрим муносабатлар турли ҳуқуқшунос олимларнинг илмий тадқиқотларининг объекти ҳисобланади ва айрим манбаларда виктимологияга берилган таърифлар бир-бирига яқин ва мазмунан бир хилдир. Жумладан, энциклопедик ва изоҳли луғатларда «виктимология» лотинча «victima» – жабрланган, жабрланувчи ва юнонча «logos» – таълимот яъни, жабрланувчилар ҳақидаги таълимот, деган маънони англатиши кўрсатилган.

Виктимологияни келиб чиқиш манбаига кўра объектив ва субъектив омилларга ажратиш мумкин, яъни:

объектив омиллар – маънавий ва жисмоний жиҳатдан ожизлар, аёллар, қариялар, ёш болалар, ногиронлар, пассив характерга эга бўлганлар (қўрқоқлар, журъатсизлар);

субъектив омиллар – ишонувчилар, безъятиборлар, мақтанчоқлар (бойлигини, ўзини кўз-кўз қилувчилар), урушқоқлар.

Интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга ошириш жараёнида субъектив омиллар асосий ролни ўйнайди.

Чунки, таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу турдаги ҳуқуқбузарликларда ҳуқуқбузар шахсдаги жисмоний ожизликни билмайди, балки у билан интернет тармоқлари орқали мулоқотга киришади. Бунда ҳуқуқбузар жабрланувчининг ишонувчанлиги, соддалиги, лақмалигини ўрганади. Хусусан, унга бир нечта хизматлар таклиф қилиши, айрим ҳолатларда бирор-бир ишини ҳал этиб бериши мумкинлигига ишонттиради. Бундан ташқари ҳуқуқбузар бу жараёнда жабрланувчининг қизиқишлари, эҳтиёжи, нимага муҳтожлиги, яқин орада нималар режалаштираётганлигини ўрганади ҳамда унга фойдали бўлган бу борадаги хизматларни таклиф этади. Демак, бу ҳолатда фақатгина ҳуқуқий билимга эга бўлмаган, ишонувчан шахсларгина бу каби ҳуқуқбузарликлардан жабрланиб қолишлари мумкин.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1) интернет тармоқлари орқали тижорат билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатларини шакллантириб мунтазам равишда улар билан профилактик ишлар олиб бориш;

2) аҳоли ўртасида интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар, уларнинг оқибатлари ҳақида ахборотлар (қайси сайтлар ҳақиқий қайсилари сохта эканлиги) туркум кўрсатувлар тайёрлаш ва намоиш этиш;

3) огоҳлантирувчи баннер ҳамда буклетлар тайёрлаш ва фуқароларга тарқатиш;

4) прокуратура, ички ишлар органлари, таълим муассасалари ва бошқа маъсул ташкилотлар ҳамкорлигида ўқувчи ёшлар, талабалар ўртасида тарғибот ишларини амалга ошириш;

5) интернет тармоқлари орқали жабрланган шахсларни таҳлил этиб энг кўп жабрланган қатлам билан мунтазам равишда огоҳлантирув профилактик ишларни олиб бориш ва бошқалар.

Бундан ташқари кибержиноятчиликка қарши курашишда энг самарали восита сифатида олим Х.Бурановнинг фикрига кўра бунга фақатгина аҳоли орасидаги интернет-маданиятини шакллантириш билангина эришиш мумкиндир.

Хулоса қилиб айтганда, интернет тармоқлари орқали содир этилаётган жиноятларни барвақт олдини олишда ҳуқуқбузарликларнинг махсус ва виктимологик профилактикаси тадбирларидан самарали фойдаланиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада, аввало, жиноят содир этилиши мумкин бўлган муҳитни аниқлаш ва уни нейтраллаштириш, фуқароларни ҳуқуқий хабардор қилиш ҳамда уларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги иммунитетини ошириш зарур.

Махсус профилактика чоралари жиноят содир этилиши мумкин бўлган гуруҳлар ва шахсларга қаратилган бўлса, виктимологик профилактика эса эҳтимолий жабрланувчиларни ҳимоя қилишга йўналтирилган. Шу нуқтаи назардан, ушбу икки йўналишни ўзаро уйғун ҳолда амалга ошириш интернетдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг энг самарали йўлларида бири саналади.

Шунингдек, ушбу жараёнда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, шу билан бирга, ҳуқуқий ва ахлоқий тарғибот ишларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Интернетда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирларининг сифатли ва тизимли амалга оширилиши жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Тошкент “Ўзбекистон”.-2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси <https://www.lex.uz/acts/111453>
3. А.У.Анорбоев. Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари; монография, тошкент 2020 й
4. <https://lex.uz/docs/5841063>
5. <https://lex.uz/docs/2387357>
6. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>
7. <https://lex.uz/docs/5030957>

8. <https://lex.uz/docs/5623688>
9. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) 2012 йил 24 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – // URL: <http://www.lex.uz>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат ҳавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли фармони // URL: <http://www.lex.uz>
11. Франк Л.В. Некоторые теоретические вопросы становления советской виктимологии // Потерпевший от преступления. Владивосток, 1974.
12. <https://oak.uz/pages/9336>
13. <https://lex.uz/docs/2387357> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 707-сонли қарори (05.09.2018) – интернет тармоғида тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган веб-сайтларга нисбатан фойдаланишни чеклаш чораларини кўриш тартибини белгилайди. O‘zbekiston Respublikasi Hukumat portalі Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 807-сонли қарори (23.12.2020) – интернет тармоғида тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган веб-сайтларга нисбатан фойдаланишни чеклаш чораларини кўриш тартибини белгилайди.